



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
28 март
ШАНБА
№ 25
(12.140)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Кўнгли Ободнинг уйи обод

Мана, баҳорнинг илк оғи ҳам тутай деб қолди. Ўлмаган жон, бу йилги кўламнинг ҳам юзини кўрдик. Бу гапни раҳматли онам кўп такрорлар эдилар. Болалик пайтларимиз бу сўзнинг маъносини ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Кейинчалик, "Ўлмаган жон" дегани сабр-қаноатли, қадимли инсонларга бериладиган тавсиф эканлигини тушундим.

Кузу кишининг аччиқ аёзлари, шамолларига дош берганларга ёруғ оламнинг тўхфаси — кўламжон келиб, танларга роҳат, дилга ором бағишлади. Майсалар бош кўтариб, дарахт куртаклари гул очди. Наврўзнинг кутлуғ қадимдан ризқимиз ҳам уна бошлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган катта тантанали маросимдаги сўзида ҳам келадиган кутли, баракали, фаровон кунлар нафасини туйдим.

«Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёми мана шундай шукроналик ва мамнулик кайфиятида, хурсандчилик билан кўтиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўланга юксак марраларимизга, орзу ниятларимизга, қарорларимизга албатта эришамиз, деган ишонч тугдиради», деди Ўртаб-шумиз. У кишининг бундай умидбахш сўзлари мендек кекса бир инсоннинг ҳам ғайратига ғайрат қўшди.

Мен 82 баҳорни кўрдим. Етказганига шукр. Асли деҳқон қизиман. 35 йил ўрмон хўжалигида ишладим. Шунданми, яшил олам — жону дилим. Ердан униб чиққан ҳар бир ниҳол тирик жон. Уларга ҳам меҳр керак. Уларни ардоқлаб, парвариш қилсанг, гуркираб ўсади, ўздан ҳаёт нафасини чиқариб, умрини узайтиради. Баъзи одамларга хай-

рон қоламан, ҳовлиси-ю кўчасида гиёҳ ҳам ўсмайди. Ахир, тирик жон яшайдиган жойда майса, гиёҳ, дарахтлар кўкариб, одамнинг баҳри-дилини очиб турмайдими? Агар киши бир туғина гул ёки ниҳол экиб, парвариш қилса, унинг қалбига яхшилик уруғи унар экан. Менинг олти киз, тўрт ўғлим бор. Хаммаси яшилликни, гулу райхон, дарахтларни севади, ардоқлайди.

Ишлаб юрган кезларим бир кунда 600 тагача дарахтларни пайвандлаб чиқардим. Болалар ёнимда юриб, ишларимни кузатишар, ўргатар эди. Ҳозир хаммаси уйли-жойли. Ўртабшумизнинг "Обод хонадонда покиза инсонлар яшайди" деган гапларини доим ёдимда тутинг, дейман уларга. Одам бир бурда нон, бир кўлтум сув билан ҳам жон сақлайди. Аммо, орияти бўлмаса, унга тоғ-тоғ молу дунё ҳам етмайди. Шунинг учун бойликка эмас, меҳр-муҳаббатга, оқилбига суянинг. Меҳнатдан қочманг. Юрган йўлларингиз, яшайдиган ошнингиз гулларга, яшилликка буркансин. Наврўзнинг, янги куннинг қадамларини қўланг, 18 га тўлаётган истиқлолимизни ардоқланг, дейман.

Ана, қаранг, мени йўқлаб оқибатли инсонлар, фарзандларим, набираларим, қариндошларим кириб келишди. Ҳали-замон иш жойимдан ҳам йўқлаб келишди.

Кутлуғ кунларда кўнгли сўраганлар, оламини яшна-таётганлар, омон бўлинглар!

Сифатомо АХМЕДОВА,
Ангрэн шаҳри,
Обпартак маҳалласи.

Бугуннинг гапи

ВАҚТИДА ЭККАНИНГ ҲОСИЛИ НАҚД

Баҳорнинг дастлабки оғи ҳам ниҳонлаб бормоқда. Одатда, бундай паллалар дастла ишлари қизғиндан қизийди. Хусусан, пахтакор ҳаётида ҳам яна бир масъулиятли мавсум бошланади. Бинобарин, мақбул паллаларда беҳато экилиб, текис ундириб олинган чигит пахтадан мўл ҳосил олишининг дастлабки муҳим омилли эканлиги барчага яхши маълум.

Бу йил вилоятимизда 100 минг гектардан зиёд майдонда пахта етиштириш режалаштирилган. Асосий майдонларда пахтачинг эртапишор "Ан-Боёвут-2", "Наманган-77", эртапишор С-65-24 нави экилади. Яна 6,3 минг гектарда синов тариқасида истиқболли янги навлар парваришланиши кўзда тутилган.

Ўз-ўзидан маълумки, бу йилги шариқатда ғўза ривожланиши чигитнинг ҳар хил муддатларда экилиши ва навлар биологизидан келиб чиқиб турли-чечкиди. Бу эса экинни табақалаштирилган ҳолда парваришланиши тақозо

роқ табиий намлигини узоқ муддат сақлаб туришига имкон яратаяди.

Эрта баҳорда ва чигит экиш олдидан ерни бора-наш тупроқ юзасидаги кесакларни майдалаш, қатқалокни юмшатиш, тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаб туриш билан биргаликда кўп илмиллик бегона ўт илдизларидан тозалайди.


Юзда қолган илдизлар эса кўлда терилиб, даладан олиб чиқилди ва ёқиб юборилди. Экишолди ишлари ва чигит экиш мавсумини туманлар ва вилоят бўйича

этиди. Қолаверса, пахтачилик агротехникасига оид илм-фан ютуқлари йилдан-йилга такомиллашиб, янги тажрибалар билан бойиб бормоқда.

Шу боис, пахта етиштирувчи кўпгина фермер хўжалиқларининг талаб ва истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари, биология фанлари доктори Жамолхон Аҳмедов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари Феруза Ҳасанова, Бегали Нисозалиев ҳамда Обид Синдаровларнинг вилоятимиз тупроқ-иқлим шароитларига асосланган ҳолда чигит экиш ва уни тупроқнинг табиий намилигига ундириб олиш, шунингдек, ғўза парваришlash агротехникасига оид тавсияларини нашрга тайёрлаб, чоп этиб боришни лозим топдик.

Қўйида берилётган дастлабки мақолада ерни чигит экишга тайёрлаш ва экиннинг мақбул муддатлари ҳақида сўз боради.

(Давоми 3-бетда).



УМРДАН МАМНУНЛИК БАХТИ

Бундан йигирма икки йил аввал меҳнат тати-лида Ангрэндаги қариндошларимиз билан меҳмонга келган пискентлик Маҳмуджон тоғнинг тиниқ ҳавоси, табиатнинг гўзал ва бетакрор манзараларига мафтун бўлди. Соғлиги ҳам яхшилан-гандай, ўзини тетик ҳис этди. Лекин сафари қари-ди, энди 10-15 кун Кисловодскда дам олишга бориши керак.

— Келинг ошна, шундай жой туриб, узоққа борасизми, — деди қариндоши. — Мана, Янгиобод тоғи этаги-да санаторий типидagi ши-фоҳона бор. Бу ерда ҳам дам оласиз, ҳам дардингиз-га шифо топасиз.

— Чанковбосидига нукул Янгиободнинг "Шаффоф"и-ни бекорга тавсия қилмаган экансиз-да, — қўлди Маҳмуд-жон.

Шу баҳона, шифоҳонадан чиққан Маҳмуджон кўп ўтмай Пискентдан Ангрэнга кўчиб келди. Шаҳардаги 15-маҳсу-с механизациялашган кўча колоннанинг йўл қурилиши бўлимида ишлади. 1993 йилга келиб бу ташкилот "Ўзбекконқурилиш" трести таркибига ўтиб, ишчи-хо-димлар сони ихчамлашди.

— Биланам, сен боланинг қўлинда яхшигина хунаринг бор, электр чилангарсан, —

деди Янги Ангрэн иссиқлик электр станциясида ишлаёт-ган кўшниси Аскар ака Мах-муджоннинг кўнглидагини сезгандай. — Бизнинг цехга сендай мутахассислар керак. Хоҳласанг, цех бошлиғига рўпара қилай.

— Қандай бўларкин-а, — иккиланди Маҳмуджон. — Ўқиган бўлсам-да, бу соҳа-да ҳали тажрибам кам.

— Тажрибани ўша ерда ишлаб оширасан, — деди Аскар ака қатъий. — Вақтни ўтказмай, юр мен билан.

Шу кунгидеки электр стан-циясининг иссиқлик автома-тика ўлчови цехига электр соловчи бўлиб ишга кир-ган Маҳмуджон Бойматов уйига шодланиб қайтди.

Орадан йиллар ўтди. Шу вақт ичиди Маҳмуджоннинг касбий маҳорати ошиб, "уста" номини олди. Чунки кечаги шогирд бугун ўнлаб

ёшларга электр чилангар-лиқнинг сир-асрорларини тажрибада мукамал ўрга-тувчи ва эртанги кунга ишонч ҳиссини синдирув-чи гамхўр устоз ҳамдир.

— Маҳмуджонни қорхона-да ўз касбининг устаси дея тилга олишди, — дейди цех бошлиғи Комил Авлиёхо-нов. — Бу бежиз эмас. Унинг ибратга лойиқ ишлари кўп. Инсонийлик фазилатларини айтмайсизми. Буларнинг барчасини сафдош шогирд-ларида, ўзи билан бирга меҳнат қилаётган фарзанд-ларида ҳам кўриш мумкин. Ўғиллари Азиз ва Лазиз ота касбини эгаллашди. Қизи Лола шаҳардаги кўмир-са-ноат касб-хунар коллежида ёшларга физика фанидан сабоқ беради.

Маҳмуджон Бойматов ҳар кун ишдан хурсанд чиқиб, мамнун қайтади. Шунинг ўзи бахт эмасми?

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

СУРАТДА: электр чилангари Маҳмуджон Бойматов.
Муаллиф олган сурат.

Семинар

ҚАРОР ҚОНУНГА ЗИД БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикасининг Норматив-хуқуқий ҳужжатлар Тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддасига асосан вилоят адлия бошқармалари зиммасига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг умуммажбурий тусдаги норматив ҳужжат-га эга бўлган қарор лойиҳаларини хуқуқий экс-пертизадан ўтказиш вазифаси юклатилган.

Мақсад — вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қили-наётган қарорларнинг қонуний ва асослигини таъминлашдир. Амалдаги тартиб-қоидага биноан, давлат бошқаруви ва ма-ҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг юридик хизмати ходимлари те-гишли равишда республи-ка Адлия вазирлиги ва

унинг ҳудудий бошқарма-ларида ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўттиши шарт бўлиб, бундай вазифаларда фақат олий юридик маълумотга эга шахсларгина ишлаши мум-кин.

Бироқ, бугунги кунда вилоятимизнинг айрим ту-ман ва шаҳарларида маз-кур тартибга риоя қилин-маётган ҳолатлар ҳам йўқ

эмас. Чунончи, маҳаллий ҳокимлик ҳуқуқшуносла-рининг 6 тасигина белги-ланган тартибда аттеста-циядан ўтган, холос.

Бу мулоҳазалар кунги кеча вилоят адлия бош-қармасида бўлиб ўтган "Маҳаллий давлат ҳоки-мияти органларининг қонун ижодкорлиги фао-лиятида адлия идоралари-нинг иштироки" мавзуда-ги семинарда ўртага таш-ланди. Унда республика Адлия вазирлиги масъул ходимлари, юристлар ма-лакасини ошириш мар-кази мутахассислари, ви-лоят, туман ва шаҳар ҳоки-мликлари ҳуқуқшунослари,

умумий бўлим бошлиқла-ри, оммавий ахборот во-ситалари ходимлари иш-тирок этишди.

Семинар ҳокимлик ҳу-қуқшуносларининг мала-касини оширишда фойда-ли мунозараларга бой бўлди, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошли-гининг биринчи ўринбоса-ри Саломхон Сатторов. — Шунингдек, ходимлар-ни аттестациядан ўтказиш тартиблари келишиб олинди. Уларнинг ўтган давр мобайнидаги фаоли-тига баҳо берилиб, нав-батдаги вазифалар муҳо-кама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Огоҳлик

Кейинги пайтларда одам савдо-си билан боғлиқ жиноятлар бутун инсониятни ташвишга солаётти. Ачинарлиси, ҳаёвий истаклар билан, чет элларда, хусусан, Россия-

да ишлаб, бўйи пул топиш илин-жидида юрган айрим юртдошларимиз ўзлари билиб-билмай бу муд-ҳис жиноят қурбонига айланиб қолаёттилар.

БУ КЎЧАНИНГ БОШИ БЕРК

Жойларда аҳолини, ай-ниқса, ўсиб келаётган ёшларни ижтимоий ҳавф-ли иллатлар, хусусан, одам савдосининг жирканч оқиб-батларидан воқиф қилиш мақсадида турфа маърифий тадбирлар бўлиб ўтаётти. Яқинда Қўйраб тумани ҳокимлигида ўтказилган шундай руҳдаги тадбирда туман ёшлари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш идоралари ҳамда жамоат ташкилотла-ри вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси, "Маҳалла" хайрия жамағармаси, Маъна-вият тарғибот маркази ту-ман бўлимлари ҳамкорли-гида ташкил этилган учра-шувда сўзга чиққанлар бундай нохуш иллатлар жамиятимизга жиддий ҳавф тугдираётгани тўғри-сида жонли мисоллар би-лан фикр юритишди.

Таъкидланганидек, чет элда пул топиш истагида юрган фуқароларимиз хо-рижда ишлаш шароитлари-га етарлича тайёргарлик

кўрмасдан, ўзлари боради-ган иш жойи, меҳнат шарт-шароитлари, иш бериувчи-нинг қимлигини тўлиқ ўрга-ниб чиқмасдан, яхши синал-маган талабдорларнинг ҳийла-кистовларига учиб, хориж-га жўнаб кетишмоқда. У ерга борганларидан сўнг эса, аксарият ҳолларда ал-даниб, турли қийинчилик-ларга дучор бўлмоқдалар.

Тадбирда мазкур иллат-нинг аянчли оқибатлари акс этган ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ИСТИҚБОЛГА ЭЪТИБОР АЛОҲИДА

шу боис вилоятимизда спорт иншоотлари қурилиши тобора жадаллик касб этиб бораёпти


мақсадида, спортга, хусусан, болалар спортига юксак эъти-бор қаратилмоқда. Биноба-рин, давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганидек, спорт — соғлом авлод, соғлом ке-лаҳ, деганидир. Фақат соғ-лом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Бугун барчага яхши аён-ки, нафақат марказ ёки ша-ҳарларда, балки энг олис

қишлоқларда ҳам замонавий услубда қурилган спорт маж-муалари келажакимиз да-вомчилари билан гавжум. Барча шарт-шароитлар му-ҳайё қилинган бу масканлар ўқув ва машғулотлар сифа-тини талаб даражасига кў-тариш учун керакли жиҳозлар билан таъминланган. Таъ-кидлаш жоиз, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами йил-

дан йилга кенгайиб бораёп-ти. Айтайлик, 2003 йили мам-лакатимизда 97 та спорт иншооти қурилган бўлса, ўтган йили 186 шундай объект қурилиб, фойдала-нишга топширилди. Мухими, уларнинг аксарияти, аниқ-роғи 162 таси қишлоқларда қад кўтарди.

(Давоми 4-бетда).



2009 йил учун
ОБУНА
ақвом этмоқда.
"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
газетасининг шубҳаси — 205.

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Республика Президенти Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганидек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муҳлатли истиқбол учун белгиланган аниқ чора-тадбирлар мажмуасидан иборатдир. Унда қишлоқ ҳаёти билан ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқ бўлган барча тармоқ ва соҳалар тўлиқ қамраб олинган.

Қишлоқ ҳўжалик тармоғи ҳақида гапирадиган бўлсак, барча туманларда бўлганидек, бизда ҳам қишлоқларимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши айнан шу тармоқнинг бундан бўён қандай юксалиши, ялпи маҳсулот етиштириш қай даражада кўпайишига бевосита боғлиқдир. Маҳсулот қанча кўпайса, экспорт имконияти шунча кенгайди, бинобарин, даромад ошади. Қолаверса, қишлоқларда кичик қайта ишлаш корхоналарини қуриш ва ривожлантириш учун етарли микдорда маҳаллий хом ашё базасига эга бўлади. Бу имкониятлар ўз навбатида турмушнинг иқтисодий салоҳиятини кўрсатқамлаб, саноат ва бошқа ижтимоий-маданий қурилишларга керак-саноат қурилиш киритиш сари кенг йўл очади.

Туманда пахта, галла, мева, ўзим, картошка, сабзавот ва поллиз маҳсулотлари етиштирилиши кўпайтириш дастурида ана шу масалалар эътиборга олинган. Жумладан, дастурда экин майдонларининг мелiorатив аҳолини яхшилаш, ҳозир ишлаб турган ирригация-мелиорация объектларининг техник ҳолатини талаб даражасига келти-

риш, мавжуд иссиқхоналарни қайта рўйхатдан ўтказиб, таъмирлаб, фаолиятини қулайтириш ва янгиларини қуриш, паррандачилик ва балиқчиликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш каби муҳим йўналишлар кўзда тутилган.

Шу йил 1 мартга қадар

ЕР ЎЛЧОВЛИ, ҲОСИЛДОРЛИК ЭСА...

чек ва чегара билмайди, бинобарин, бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг энг мақбул омилдир

фермер ҳўжаликлари ҳамда дала томорқаларидаги боғ ва тоқзорлар, картошка, сабзавот ва поллиз экинлари экиладиган майдонлар қайта хатловдан ўтказилди. Шунингдек, аҳоли ва дала томорқаларида етиштирилиши кўпайтирилган мева, ўзим, картошка, сабзавот ва поллиз маҳсулотлари таҳлилий ҳисоб-китоб қилиниб, бу маҳсулотларни қабул қилиб оладиган махсус пунктлар ташкил этиш режалаштириб қўйилди. Шунингдек, маҳаллий шaroитдан келиб чиқиб, сифатли уруғлик, юқори нав мевали дарахт кўчатлари, кимёвий ўғит ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари савдоси билан шуғулланувчи дўконлар ташкил этилмоқда.

Бу йил етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг 743 тоннасини экспорт қилиш назарда тутилган.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, айниқса, қишлоқда аҳолини сархил сабзавот ва бошқа резаворлар билан таъминлашда иссиқхоналарнинг ўрни бекиёс. Шунингдек, олиб, келгусида иссиқхоналарни кўпайтириш, фаолиятини

чилиқ ҳўжаликлари ташкил этиладиган бўлди. Имконият ва талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда яна иккита иссиқхона қурилади. Шунингдек, гулчиликка ихтисослашган иссиқхона барпо этиш режалари тузилмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва

корхоналарининг бугунги фаолияти атроғича ва чуқур таҳлил этилиб, улар учун зарур бўладиган хом ашё захираларини яратиш имкониятлари ўрганилмоқда. Иккинчидан, қайта ишлаш саноатини янги техника ва замонавий технологиялар билан таъминлашга эришишнинг имконияти ва йўл-йўриқлари қўриб чиқилмоқда.

Албатта, бу муҳим соҳа фаолиятини давр талаби даражасида йўлга қўйиш, кенгайтириш ва тақомиллаштириш бориш учун сармола керак бўлади. Биз қайта ишлаш саноатининг истиқбол кўрсаткичларини белгилар эканмиз, бунинг учун биринчи гада чет эл инвестицияларини кириштириш имкониятларини излаётимиз. Шунингдек, тижорат банкларининг туман бўлимлари томонидан имтиёзли кредитлар ажратишишни назарда тутаётимиз. Бунга эришилса, қайта ишлаш корхоналарини тайёр маҳсулотларини қадоқлаш воситалари билан таъминловчи янги-янгича кичик ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш имкониятлари туғилади. Бинобарин, қўллаб-қўллайиш йўлини пайдо бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ҳам шу тариқа ҳал этиб борилади.

Комилжон САЛИМОВ,
туман ҳокими.



Тумандаги агросаноат ва иқтисодиёт коллежидида ёш йигит-қизларга ўрта мутахассислик бўйича таълим берилмоқда. Ўқувчилар амалий машғулотларни шу ернинг ўзидида ўтказадилар. Коллежда томат пастаси, мева шарбатлари, қиём ва турли миллий салатлар каби 18 хил маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

СУРАТДА: технолог Шаҳзода Каримова (ўртада) ўқувчиларга техник ускунанинг иш жараёнини тушунтирмоқда.

ИНТИЛГАНГА ИШ ТОПИЛАДИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш фаровонлик сари далил қадамдир.

Тумандаги саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигида қасаначилик бўйича янги иш ўринлари яратишнинг 2009 йилга мўлжалланган манзилли дастурига кўра жами 265 киши иш билан таъминланади.

Жумладан, йирик корхоналардан Пахта тозалаш заводида 5 та, "Ўзгросу-гурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясида 15 та, "Қишлоқҳўжаликкимё" корхонасида 20 та, кичик корхоналардан "Селхозбиотамат" да мева-сабзавот консервалари тайёрлаш учун 34 та, "Трансавто Асадбек" транспорт хизмати кўрсатиш корхонасида 20 та янги иш ўринлари очилиб, асосан ёшлар жалб этилади.

Бандлик масаласи ҳокимлик, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан изчил назорат қилинмоқда. Биргина Янгибод маҳалласида 615 та хонадон, 3787 та аҳоли яшайди. 12 та фермер ҳўжалиги бор. 32 та тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Қасаначиларнинг 4

нафари дурадгорлик, 6 нафари тикувчилик, 2 нафари новвойлик билан шуғулланади. Сартарошхона, этикдўзлик, пойабзал таъмирлаш ишлари билан машғул тадбиркорлар 60 кишидан ошди. Маҳалла аҳлининг тўю маъракаларида асқотадиган анжомлар, уй жиҳозлари, кўрпа-ёстиқ, миллий либослар тикувчи чеварлардан Маъмура Ҳамроқулова, Раҳбар Абдурашидова, Матлуба Раҳмонқулованинг меҳнатидан эл мамун. Бундай қасаначилик иш ўринлари тумандаги бешта йирик ва 24 та кичик корхона қошида ташкил этилмоқда.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини кенгайтириш орқали бандлик муаммолари ҳал этилмоқда. Хуллас, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури асосида амалга ошириладиган ҳар бир сазй-ҳаракатимиз инсон манфаатлари устуворлигига йўналтирилган.

Хуршида МИРСОАТОВА,
туман бандликка қўмаклашувчи марказ директори.

ҲАР ЮРАКДА ҚУНТ, ҒАЙРАТ

Туманимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, янги гузарлар ташкил этиш, бориин тартибга келтириш учун 738,8 миллион сўм ажратилди.

Тумандаги 98 та мактаб, боғча, коллеж бинолари, соғлиқни сақлаш иншоотларини янада кўркамлаштиришга, уларнинг атрофларини орасталаш, янги истироҳат боғини барпо этишга киришилди. Қишлоқ жойларда замонавий талабларга мос келадиган янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, хусусан, қишлоқ аҳолиси етиштирадиган деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишловчи "Оқтепа томат", "Қўштепа гишт", "Самандар агро-файз" каби кичик корхоналарни ишга тушириш кўзда тутилган.

Бу йил аҳоли бандлигини ошириш, қасаначилик билан шуғулланувчиларни 265 нафарга етказиш мақсадида 150 миллион сўм корхона маблағи ва 20 миллион сўм банк кредити ажратиш мўлжалланган. Ўш оилалар учун имтиёзли кредитлар асосида уй-жой қуриш кўлами кенгаймоқда. 58 та ёш оилага 137 миллион сўм банк маблағлари ажратилди.

Туманимиз йўлларини таъмирлашга ҳам астойдил беп бўлган. Бу йилга 213,80 миллион сўм ажратилди. Туман йўл ҳўжалиги корхонаси ва ободонлаштириш бўлими ҳамкорлигида 13 километр йўл капитал таъмирланади. Йўл четидида кўзга ташланиб турган табиий газ тармоқларини тартибга солиш, қувурларини

бўйаш, электр тармоқларини созлаш билан бирга янги электр тармоқларини тортиш, ичимлик суви, иссиқлик манбаи алоқа ва ёритиш тизимларини такомиллаштириш ҳам эътиборга олинган.

Шунингдек, аҳоли пунктлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Аҳоли томорқаларини тартибга келтириш, ариқ-зо-вуруларни тозалаш, чиқинди-хоналар ташкил этиш маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари бошчилигида амалга ошириладиган зарур ишлардир. Бундан ташқари, 227 минг түп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш учун 87 миллион сўм ажратилди. 150 минг дон дарахт буталиб, оқланди. 100 мингга яқин гул кўчатлари экилди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай сазй-ҳаракатлар кўп қаватли уйлари таъмирлаш, атрофларини тозалаш, қабристонларни ободонлаштириш, зиёратгоҳ ва меъморий иншоотларни талабга мос ҳолга келтириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам тааллуқли. Буларни таъкидлашдан мақсад шуки, ҳар қандай гузаллик, ободончилик, саришталек замирида улкан меҳнат ётади. Қунт, ғайрат, сабот бор жойда бундай юмушлар завқ билан бажарилади.

Руслан БОТИРОВ,
туман бош архитектори.

Пискент тумани: ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БАРИ АВВАЛО ИНСОН УЧУН

Давлатимиз раҳбари республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил ақсунлари ва 2009 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгаришига қаратилган узоқ муҳлатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг жадаллаштиришга эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Шуниси

диққатга сазоворки, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида республика Президенти таъкидлаган ўша устувор вазифаларнинг энг муҳим йўналишлари, аниқ мейёр ва ўлчамлари, ҳатто, молиявий манбалари ҳам аниқ белгиланган бўлган.

Ушбу саҳифада Пискент туманида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳамда бекаму кўст бажарилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар ҳақида сўз юритилади.



СУРАТАЛАРДА: тадбиркор Абдусаттор Рашидов ёш оилаларга атаб қураётган ҳовли-жойларнинг дастлабки иккитаси топширилиши арафасида. Барча қулайликлар муҳайё этилган хонадоннинг ички қўриниши; «Шерзод» хусусий корхонаси қурувчилари Ҳасим Мирсоатов, Соҳибжон Тўхтаназаров тумандаги 18-умумтаълим мактабининг янги қурилатган биноси ромларини ўрнатишмоқда.



Тўқинчиликнинг УЧ ХАЗИНАСИ

Чорвачилик – халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилувчи асосий тармоқлардан бири. Бу тармоқ қанчалик кенг ривожланса, гўш, сут ва уларни қайта ишлаш йўли билан тайёрланадиган маҳсулотлар қанча кўпайса, аҳолининг рўзғори шўнчалик бут, тўқин-сочин бўлади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳамда яқин истиқболни кўзлаб тузилган устувор вазифалар дастурида бу масала ҳисобга олинган, албатта. Иш бошидан пухта бўлиши учун март ойига қадар тўқинчиликнинг уч хазинаси, яъни чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари ҳамда аҳоли қўлидаги чорва моллари тўғйи аниқланди, паррандачилик ва балиқчилик ҳўжаликлари янги йўналишга, қайта рўйхатга олиниб ва улар фаолиятини жонлантириш режалари ишлаб чиқилди.

Ҳозир туманда 33 минг 162 бош қорамол, 31 минг 349 бош қўй-эчки боқилмоқда. Шу жумладан, фермер ҳўжаликлари ихтиёридаги қорамоллар 2521 бошга, қўй-эчкилар 4267 бошга етди.

Асосий эътибор чорвачиликка ихтисослашган ҳўжаликлар фермаларида молларни замонавий зооветеринария қондорларига амал қилган ҳолда парвартириш, сут соғиб олишнинг илғор технологияларини жорий этишга қаратилади. Аҳолига омухта ем, шрот ва чигит шөлхаси етказиб бериш билан шуғулланувчи биорасмийлаштирилмоқда. Айни пайтда фойдаланил-

ридек, боққанга яраша сермаҳсул, зотли молларни кўпайтирган маъқул. Бунинг учун вилоятимизда тажриба етарли. Қатор фермер ҳўжаликлари чет эллардан зотдор молларни олиб келиб, насл олиб, кўпайтиришадилар. Биз ҳам бу ишни йўлга қўйиш, фермаларни шунга мослаштириш чора-тадбирларини қўришга киришмоқдамиз.

"Агроинкомплюс" маъсулияти чекланган жамиятига Олмаликдаги "Аммофос" корхонаси орқали Германиядан 198 бош наслдор қорамоллар келтирилиб, бугунча 98 бош бузоқ олинди. Туман пахта тозалаш заводи-га Украинадан олиб келинган 50 бош зотли қорамолларнинг 11 таси насл берди.

Дағал хашак, лавлагги, омухта ем ва бошқа махсус тайёрланган тўйимли озиқ-лардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунингдек, гунаҳи ва сиғирларни сунъий уруғлантириш пунктлари, молларнинг турли касалликларга қалинлигининг олдини олиш мақсадида карантин хизмати ҳамда дори-дармонлар савдоси билан шуғулланувчи иккита дўкон ташкил этилди. Бундан ташқари туман ветеринария бўлими қошида 10 та зооветеринария шохобчалари очилиб, фермер ҳўжаликларида пулли хизмат кўрсатиш бошлаб юборилди. Тўртта аҳоли пунктларида ветеринария шохобчалари очилган бўлиб, ва ер ажратилиб, ҳўжатлари расмийлаштирилмоқда.

Мухаммадjon МЕЛИБОВ,
фермер ҳўжаликлари уюлмаси туман вакили раҳбари.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Абдусамид Йўлдошев, Сайёра РИХСИЕВА ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ВОҲА

Табиатан тадбиркорликка мойил бўлган халқимиз учун Истиқлолимиз бемисл имкониятлар эшигини очиб берди. Инсон ўз меҳнатидан завқ олиб ҳаракат қилса, ундан келадиган самара нақд бўлади.

Бунинг учун қайта тикланган қадриятларимиз руҳимизга тетиқлик, вужудимизга қўн-ғайрат оло эътаётганлигини эътироф этмай бўлмайди. Ота-боболаримиздан қолган удулар, илму амалларга бўлган ҳурмат, эҳтиром тўғайли миллий гурур ниҳили гуллаб-яшнади. Пискентимиз қадимдан "полвонлар юрти" дейилган. Тўйчи полвон, Нуриддин полвон, Олим полвонларни ҳалқимиз фخر билан тилга олади. Бугунги кунда уларнинг ҳурматию жойига қўйиш, қадрлаш имконига эгамиз. Кейинги йилларда Нурид-

дин полвон хотирасига бағишланган спорт мусобақаларини ўтказиш аянча тумасига кирди. Келажақда тадбиркорлар ҳомийлигида каттагина ёшлар спорт мажмуасини қуриш режалаштирилган.

Инсон омили, унинг баркамоллиги йўлидаги сазй-ҳаракатлар кенг қўлоқ йўмоқда. Бу эса ўз наба-тида инсон руҳияти, қайфиятига кўтаринкилик бахш этади, ижодкорлик ва ташаббускорликка чорлайди. Миллий қадриятлар кўпгина хайрли ишларга қанот бағишлайди. Қўртбошимизнинг "Юксак маънавият –

енгилмас қўч" китобида айтилганидек, "...моддий ва маънавий ҳаёт таомиллари бир-бирини инкор этмайди, ақсинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдирди".

Шу маънода маҳаллаларимизда тадбиркорлар томонидан қуриладиган мен-талитетимизга хос миллий либослар тикув цехлари, дўконлари, оталар чойхоналари, сартарошхоналар, сомсахоналар халқимиз фаровонлигини таъминлаётган тараққиёт намуналари дейиш мумкин. Мен туманимизнинг Бекобод маҳалласида яшайман, шу ерга келин бўлиб тушганман. Маҳалладошларимнинг миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмати, ота ва ўғил, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин муно-

сабатларидаги меҳр-муҳаббат, чуқур эҳтиромдан завқланаман. Яқинда тадбиркор Сиддик Содиқов ва унинг ўғиллари янги, замонавий қўринишдаги, барча қулайликларга эга савдо шаҳобчаси қуриб, ишга туширишди. Умуман олганда маҳаллалардаги ҳар бир тадбир аҳлилик, ҳамжиҳатликда ўтказилди. Ўзаро меҳр-оқибат, аъналаримизга бўлган эътиқод кўпгина хайрли амалларга қанот бўлмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили эса халқимизнинг келажақдаги осийишга, маъмур ҳаётига мустахкам пойдевор қўйилган йил бўлиб тарих саҳифасидан жой олиши шубҳасиз.

Мамлакат ФАЙЗИЕВА,
маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.

Касаначилик

СИЗ ШУНДАЙ
ИМТИЁЗГА ЭГАСИЗ

Яқинда туманимизда бўлиб ўтган катта бир йиғилишда иштирок этиб қолдим. Унда ҳудудимиздаги корхоналарнинг касаначилик бўйича иш жойларини ташкил этиш борасидаги фаолияти чуқур таҳлил қилинди. Би-лишимча, кейинги пайтлар мамлакатимизда касаначилик фаолиятини рағбатлантириш ва етарли шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратишмоқда.

Касаначиликни йўлга қўйган корхоналар ва улар билан ҳамкорлик қилаётган касаначилар учун маълум ҳуқуқ ва имтиёзлар мавжуд бўлса, газета орқали шу хусусда атрофлича маълумот берилса яхши бўларди. Маҳлиё СОАТОВА, уй бекаси, Қибрай тумани.

Мамлакатимизда касаначилик иш жойлари ташкил этган корхоналар ва касаначилар фойдаланадиган бир қатор имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни рағбатлантириш асосидаги ишларни қўллаш чеклаш ва хизматлар ўрнатишда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, корхонанинг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажариш учун касаначиға бепул фойдаланиши учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларга фойдаланиш даврида мулк солиғи тўланмайди. Шу билан бирга, товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун касаначиларга буюртма берган корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамъармасидан 24 фоиз ягона ижтимоий тўловни тўлашдан ҳам беш йилга овоз қилинганлар. Мазкур имтиёз мuddати 2011 йилнинг 1 февралига қадар амал қилади. Яна бир қўлайлик шундаки, касаначилар фаолият кўрсатаётган хонадонлар нотуражойлар тоифасига ўтказилиши шарт эмас. Улар эҳтиёжга сарфланган

электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал тўловлар аҳоли тўлайдиган тартифлар асосида белгиланади. Тайёр маҳсулотлар сотуви лицензиясиз ҳолда корхоналар зиммасига юкланади. Касаначи ишлаб чиқарган маҳсулотга сертификат талаб қилинмайди. Унинг фаолиятини асоссиз текширишга йўл қўйилмайди.

Касаначиликнинг ижтимоий муҳофазаси ҳам алоҳида назарда тутилган. Хусусан, касаначи ўзи ҳамкорлик қилаётган корхонанинг қолган ҳодимлари билан тенг ҳуқуққа эгадир. Унга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси юритилади ва қўланган хизмат вазираси қайд этилади. Корхона касаначиликнинг иш ҳақидан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисобига ойма-ой 1 фоиз маблағни ўтказиб бериши шарт. Касаначининг оила аъзолари ҳам буюртмани бажаришга қўмаклашиши мумкин.

Корхона томонидан касаначиға тегишли шарт-шароитлар яратилиши ва уларнинг меҳнат ҳавфсизлиги таъминланган бўлиши зарур. Касаначини хом ашё ва буюртмалар билан ўз-ўзидан таъминлаб туриш, шунингдек, тайёр маҳсулотларни жойидан олиб кетиш корхона зиммасида бўлади.

Тупроқни чигит экишга тайёрлаш ишлари вилоятнинг Чиноз, Янгийўл, Оққўрғон туманларининг эрта етилувчи енгил қумлоқ тупроқ шариоитидаги фермер хўжаликларидан нисбатан барвақт бошланади. Ерни занжирли тракторлар ёрдамида тайёрлаш тупроқ структурасининг яхши сақланиб, ўсимликнинг ризола-дагидек ўсиши ва ривожлани-нишни таъминлайди.

Ўза низолиларини бар-вақт ва қийос ўндириб олиш мақсадида вилоятнинг Бекобод ва бошқа бир қатор туманларида эрта ба-хорда қатор оралиғи 90 сантиметрда, 30-32 сан-тиметр баландлиқда пушта олинади. Чигит пушта оли-ниб экилганда тупроқ ҳаро-рати 3-3,5 даражага ор-тиб, чигитни ўртача 7-10 кун олдин экиш имконияти яра-лади. Ёғингарчилик кам бўладиган туманларда пах-та майдонларига экишдан 8-10 кун илгари нам суви бериледи ва ер етилгач, пушталар узунасига енгил бороналаниб, чигит экила-ди.

Унвчанлиғи 90-95 фоиз-дан кам бўлмаган уруғлик чигит маъкул ҳисобланади. Экишга тайёрланган чи-гитларни намлашга катта аҳамият бериш керак. Эки-ладиган чигитни намлаш табақалаш йўли билан ўтқа-зилади. Экиш мuddатиға қараб, 1 тонна уруғни нам-лаш учун 600 литрға су-в сарфланади. Чигитни нам-лашга олдиндан тайёрлан-ган асфальтланган ёки бе-тонланган махсус майдонча-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар қулай. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлиғи 20-25 сантиметрдан оширмас-лик зарур. Намлаш 3 бос-кида: биринчиси 3-4 соат, иккинчиси 4-5 соат, учин-чиси 5-6 соатда ўтказилиб, 200 литрдан су-в сарфлана-ди, чигитнинг тўлиқ ва сифатли

Бугуннинг гапи

ланган ишчилар бир бири-га қарама-қарши туриб, ёғоч қурак билан уруғлик-ни бетўхтов аралаштириб туришлари керак. Чигит та-лаб даражасида намланган, бир жойга тўпланади ва димланади.

Турли мuddатларда эки-

кунда қанча майдонга экиш, далага олиб бориш ва бош-қа ишларга кетадиган вақт-лар ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Чигит экиш тупроқнинг 0-10 сантиметр чуқурлиқда-ги ўртача ҳароратиға қараб бошланади. Тўкли чигит

либ кетиши керак.

Чиноз, Янгийўл туманла-ридаги адирлик жойларда ва Оққўрғон, Пискент ту-манларидаги енгил тупроқ-ларда чигит экиш мuddати 5 апрелдан бошланса, ти-пик бўз, ўрта ва оғир туп-роқларда 10-15 апрелда экилади. Агар ушбу мақбул мuddатлардан эрта экилса, иссиқлик етишмай чигит ерда кўп туриб қолади, намлик юқори бўлса чи-рийди ва сийрак ҳамда нимжон ҳолда ўнча чи-кади. Агар кеч экилса аксин-ча, намлик қамайиб кетиб, тўлиқ кўчат олинмайди. Чигит экиш чуқурлиғи ўрта-ча 4-5 сантиметр бўлиши керак. Далаларда тўкли чигитлар қаторига 45-50 килограмм, тўксиз чигит-лар 25-30 килограмм меъ-ёрида экилади.

Экиш ва ўғитлаш билан бирга гербицид сепиш ҳам гоят муҳимдир. Чигит экиш билан бир вақтда гектарига физик ҳолда 45-60 кило-грамм аммиакли селитра, ёки 32-43 килограмм моче-вина (карбонид), аммофос 43-54 кг/га экиш чизигидан 5-7 сантиметр четга, 12-15 сантиметр чуқурлиққа соли-нади. Далаларни бегона ўтлардан тозалаш учун чи-гит экиш билан бирга ПГС-2,4 мосламаси ёрдамида гербицидлардан "Стомп" (0,8-1,0 кг/га) ва "Которан" (1,2 кг/га) сепиш яхши фой-да беради.

Экиш мавсумини юқо-ридаги таъсирларға амал қилган ҳолда қисқа му-ддатда ва сифатли ўтказиш пахтадан эртаки ва мўл ҳосил олинишини таъмин-лайди.



намланишиға эришилади ҳамда намлиги кам бўлган тупроқларда униб чиқиши-га ижобий таъсир этади. Шунингдек, ўстирувчанлик хусусиятиға эга препаратлар билан намлаш, ноқулай шариоитдаги чигитнинг ун-в-лашга олдиндан тайёрлан-ган асфальтланган ёки бе-тонланган махсус майдонча-

ладиган чигитнинг намлан-гандан кейин сақланиш му-ддати 12 соатдан ошмаслиғи даркор. Энг қулай мuddат-да ёки кечикиб экиладиган жойларда чигитни ўзоғи билан 18 соат сақлаш му-кин, ҳолос. Намланган ва талаб даражасида димлан-ган уруғлик чигит қопларға солиниб, далаларға олиб борилади.

Уруғликни намлашда бир

экиш учун тупроқнинг ўрта-ча ҳарорати 12-14 даража-да, тўксизлангилардан чи-гит экиш учун 14-15 дара-жа атрофида бўлиши ло-зим. Тажрибали деҳқонлар тупроқнинг экиш учун етил-ганлигини қуйидаги оддий усул ёрдамида аниқлайди-лар: чигит экиладиган дала тупроғи қафта олиб сиқи-либ, ерга ташлаб юборил-ганда, майда ҳолда сочи-

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилаш ва бошқа ҳолатларда қонунбузилиш, бюрократик тўқилишлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда Сиз ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун ҳудудий прокуратура идораларининг 007 рақамли "Ишонч телефони"га мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳуқуқларингиз ҳимоя қилиниши кафолатланади.

01 огоҳлантиради

ҲАММАСИ
ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳозир хусусий уй-жойлар қурилиш кундан кунга кўпайиб, халқимиз келажакка нақадар ишонч билан қарашини англатиб турибди. Фуқароларимиз барпо этаётган иморатларнинг их-чам, қулай ва кўркем бўлишига аҳамият бера-ётдилар. Шу боис ҳам улар бундан 10-15 йил олдин қурилган биноларга асло ўхшамайди.

Кўпчилик илғор қурилиш тажрибалиридан фойдалан-ган ҳолда, хориждан кел-тирилган ёки қўшма корх-оналарда ишлаб чиқарилаёт-ган юқори сифатли қури-лиш материалларидан фой-даланмоқда. Булар – пла-стик эшик-роллар, черепи-ца русумидаги туңуқа ко-плама ва пардозлаш ашёла-ридир.

Қурилиш материаллари-нинг хили кўпайгани сари иморатларни ёнғин офати-дан асраб қолиш ҳам дол-зарб аҳамият касб этиб бормоқда. Негаки, содир бўлиб турган ёнғинларнинг кўпи аянчли тус олмақда. Ёнғинларга электр уску-наларининг носозлиғи, айниқ-са, электр ҳисоблагичлар-да қўлбола сақлагичлар-нинг (предохранитель) қўлланилиши, вақтинчалик симларни бир-бирига боғ-лаб улашиш, болаларнинг олов билан ўйнаши, электр ва газ пайвандлаш вақтида ёнғин ҳавфсизлиги қонда-ларига риоя қилмаслик, спиртли ичимлик ичган ҳолда, чекиш вақтидаги эҳтиётсизлик сабаб бўлмоқ-да. Хусусий уйлар қурилиши-

Ёнғиннинг олдини олиш

учун янги қурилаётган ёки таъмирланаётган уй-жой ҳовлиларида ёзги ошхона, тандирхона, молхона ва ем-хашақхоналар ҳамда ҳар жуфт хоналар ўртасида 6 метрдан кам бўлмаган ёнғинга қарши ораликлар-ни сақлаш, икки қўшни хо-надон оралиғини томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландлиқдаги ва қалинли-ғи 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнғинга қарши деворлар билан ахратиш лозим. Уй томининг ёғоч панжараларини ўтга бар-дошлилигини оширувчи суоқликлар билан ишлов бериш, иситиш печларини тўғри ўрнатиш, ертўла ёки цоколь қаватларда, гараж, ошхона, ҳаммомларда исити-тиш тизими қозонхонасини жойлаштиришда, табиий газ қувурларини тортишда ёнғинга қарши тўсиқлар, қаватлараро ёпмалар, ўтга бардошли мўрилар ўрна-тиш, электр таъминотини травеслар орқали ўтказиш, бионининг ёғоч конструкция-ларидан электр симларни ҳимоя қобилиридан олиб ўтиш шарт.

Умуман, ҳаммаша оддий ёнғин ҳавфсизлиги қондала-рига риоя этиш орқалигина иморатларимизга ва моддий бойликларимизни, энг муҳи-ми, ҳаётимизни ўт балоси-дан сақлаган бўламиз.

У. ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ЁХБ МТЭБ муҳандиси.

АНЪАНАЛАР
ВА ЁШЛАР

Юртимизда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Маҳаллалар, таълим масканлари, боғ ва хийобонлардаги тадбирларда асрлар оша барҳаёт яшоб кел-лаётган қадимий анъ-аналаримиз ва қадри-ятларимизнинг ўзига хос жиҳатлари ёрқин намойён бўлмоқда.

Бебаҳо удумларимиз-нинг инсон қамолотидаги ўрни ва умумбашарий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгига акс эттириш мақсадида "Ка-молот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Қа-дрийатлар, урф-одатлар, анъ-аналар ва ёшлар" лойиҳа-си амалга оширилмоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этила-ётган турли маданий-маъ-рифий ва оммавий тадбир-ларда Наврўз билан боғлиқ урф-одатларимиз, миллий ҳалқ ўйинлари намойиши-га кенг ўрин берилёттир.

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуа-сида "Қадрийат, урф-ода-т, анъана ва ёшлар" лойиҳа-си доирасида бўлиб ўтган фестивалда шу ҳафта сўз юритилди. Тадбир Ўзбе-кистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Рес-публика ўқувчилар техник иходиёт маркази ва Ўзбе-кистон мудофасига қўма-лашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкор-ликда ташкил этилди.

Тадбирда "Варрақлар сайли" беллашувларининг вилоят босқичида ғолиб бўлган олтинчи нафар йи-гит-қиз ясаган турли қури-ниш ва шаклдаги варрақ-лар намойиш этилди. Бо-лалар ва ёшлар иждоий жамоалари томонидан тай-ёрланган концерт дастури, миллий урф-одатлар ва халқ ўйинларига оид сахна кўринишлари, асфальтга расм чизиш ва аркон тор-тиш мусобақалари, ўқувчи-лар техник иходиёт марказ-лари тўғралаклар иштирок-чилари томонидан асалган миллий хунарандлик мах-сулотлари кўргазмаси таш-кил этилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

2009 йил 26 март кунини очик тендер савдоларига қўйилган йўналишлар бўйича комиссия аъзолари орасида мавжуд бўлган тушунмовчиликлар сабабли тендер савдолари ўтказилмади ва 2009 йил 29 апрель кунини 17.00 да қайтадан Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан очик тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:

BX-491 "Ўнқўрғон қишлоғи – Машинасозлар АШБ"
BX-494 "Хўжақўрғон қишлоғи – Бельнозод АШБ"
BX-496 "Чингелди қишлоғи – Машинасозлар АШБ"
BX-497 "Байтқўрғон қишлоғи – Қўйлик АШБ"

2. Битта пакет билан:

BX-267 "Бекобод АББ – Навбахор ф/у"
BX-268 "Бекобод АББ – Бекобод ф/у"
BX-270 "Зафар АЧСБ – Тошкент АББ"
BX-256 "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ"

3. Битта пакет билан:

BX-257 "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (Дехқонбод орқали)"
BX-263 "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (232-пикет орқали)"
BX-264 "Бекобод АББ – Ойбек ф/у – Фарход ф/у"
4. BX-580 "Ўзбекистон ф/у – С. Раҳимов м.б. АШБ"
5. BX-461 й.т. "Туркистон маҳалласи – Назарбек маҳалласи"
6. BX-461а й.т. "Туркистон маҳалласи – Ибн Сино АШБ"
7. BX-478 й.т. "Кенсой қишлоғи – 17-шаҳар шишфохонаси"
8. BX-237 й.т. "Балиқчи маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"
9. BX-471 й.т. "Бобур маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рухсатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортдаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжа-лик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14



январдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва ша-ҳарлараро (вилоят ичида) йў-налишларда йўловчилар таши-ни ташкил этиш вилоят коми-ссияси.

Комиссия манзили: Тош-кент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси 4/68-уй.

Очик тендерда иштирок

этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тен-дер ҳўжжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлашти-риш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсанотқурилиш Банк" (ОПЕРО ТРФФ УЗПКСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2009 йил 24 апрелгача буюртма бериш-лари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишлар-да йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифларини 2009 йил 28 апрель соат 17.00 қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислари зали.

Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Республика Қўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

"Республика Қўчмас мулк биржаси" ЕАЖ бошланғич баҳоси бўлиб бериш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди! 2009 йил 14 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтатиладиган аукцион савдосига қўйилган қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай туман судининг 25.03.2008 йилдаги 415-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Аргин-савдо" УК оморидан сақланаётган, ТАЗ-6614 русумли, д/р 30К6311 бўлган, 1986 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Жорий баҳосининг баҳоси – 1 339 232 сўм. 2. ЖИБ Қибрай туман судининг 21.04.2008 йилдаги 6-857-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Аргин савдо" УК оморидан сақланаётган, ТАЗ-66 русумли, д/р 11У2725 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий баҳосининг баҳоси – 1 062 882 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вақиди иштирокчида бевосита жойига қўйиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кўч қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошлан-ғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-лиги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 2021000050057152105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ураббоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Савдоларга марҳамат!

ИНҚИРОЗНИНГ
МАТБУОТГА
ТАЪСИРИ

АҚШда бир юз йигир-мага яқин нашр ўз фао-лиятини бутунлай тўхтат-ди. Шунингдек, олтинчи-дан зиёд нашриёт муас-сасаларида йигирма бир минг ишчи ўрни қискар-тирилди.

Маълумотларга қараганда, халқаро иқтисодий инқироз сабабли нашриётларнинг молиявий аҳволи кескин ёмонлашган. Бойси, мутолаа қилувчиларнинг кўпчилиги пул тежаш мақсадида газе-тани сотиб олишдан кўра унинг электрон шаклини ўқишни маъкул кўрмоқдалар. Газеталарга буюртма қили-надиган рекламаларнинг сони ҳам қамайиб кетган. Бирок мамлакатнинг йирик нашрлари саналимиш "Нью-Йорк Таймс", "Вашингтон пост", "Ю-эс-эй Тудей" ва "Уолл-стрит Жорнэл" каби газеталар молиявий аҳоли-нинг танглиғига қарамай, ҳозирча фаолиятини давом эттирмоқда.

ЧАҚМОҚДАН
ЁНГИН

Индонезиядаги қаҳва-хоналарнинг бирида ёнғин юзага келди. Ма-ҳаллий матбуотнинг ёзи-шича, бахтсиз ҳодисага кучли чақмоқ сабаб бўлган.

Ҳабарларга қараганда, фоҳиа оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган, қирққа яқин одам оғир жа-роҳатланган.

ИШ
ПАЙТИДАГИ
ФОЖИА

Хитойдаги "Цзяньфан" кимё комбинатида шифт қўчиши оқибатида ўндан зиёд киши ҳалок бўлди ва яна бир неча одам оғир жароҳатланди.

Синьхуа ахборот агент-лигининг тарқатган маълумотларига қўра, мазкур за-вод таъмирга муҳтож бўлган.

Фоҳиа иш пайтида юз берган.

ЎЗА.

